

2022 й. " 30 " сентябрь Курилиш Пардоз хизмати х.к. ва Ромитан туман СЭО ва ЖСБ билан 249 715 000 умумий  
суммасидаги 46394 -сон шартномага  
ТЎЛОВ ЖАДВАЛИ

Боб 054  
Шахсий газна ҳисобварак 100022860062427074110054001

(сўмда)

2022 й. ойлар номи	Харажатлар тури			Жами
	7074 110 054 (42 32 200)	...(*)	...(*)	
Январ				
Феврал				
Март				
Апрел				
Май				
Июн				
Июл				
Август				
Сентябр	249 715 000			249 715 000
Октябр				
Ноябр				
Декабр				
<b>Жами йил бўйича</b>	<b>249 715 000</b>			<b>249 715 000</b>

Жами 249715 000 (икки юз қирк тўққиз миллион етти юз ўн беш минг) сум

Юқоридаги кўрсатилган суммадан 74914500 сум ёки шартнома умумий сумасининг 30 % 2022 йил жорий ойнинг охирига санасигача олдиндан тўланиши лозим.



Рахбар  
Бош ҳисобчи

Ҳазначилик бўлини маси  
ходими қабул қилди  
2022 й. « 1 »

  
(имзо)

  
(имзо)

Б.Каххоров

  
(имзо)

М.Каримов

Бюджетдан маблағ олувчи  
ходими қабул қилди  
2022 й. « 1 »

  
(имзо)

# ПУДРАТ ШАРТНОМАСИ № 46394

(Лот № 22110012153411)

Ромитан шаҳри.

«30» 09. 2022 й.

Курилиш Пардоз хизмати х.к, кейинги ўринларда "Пудратчи" деб юритилувчи ўзининг низоми устави, асосида иш юритувчи рахбари Б.Мухаммадов тимсолида бир томондан ва Ромитан туман ХТБ кейинги ўринларда "Буюртмачи" деб юритувчи, ўзининг низоми устави асосида иш юритувчи рахбари Б.Каххоров тимсолида ~~иккинчи~~ томондан мазкур шартномани куйидагилар ҳақида туздилар.

## 1. ШАРТНОМАНИНГ ПРЕДМЕТИ.

1.1. Ушбу шартнома буйича "Пудратчи" «Буюртмачи»нинг буюртмасига ва тузилган лойиха смета ҳужжатларига асосан Ромитан тумани СЭО ва ЖСБ биносини жорий таъмирлаш ишларини бажаришни, «Буюртмачи» "Пудратчи" томонидан лойиха смета бўйича бажарган ишларни далолатнома асосида қабул қилиб олишни ҳамда тўловни ўз вақтида амалга оширишни ўз зиммаларига оладилар.

1.2. Ушбу шартноманинг умумий суммаси **249715000** (икки юз қирқ тўққиз миллион етти юз ўн беш миңг) сўмни ташкил этади.

## 2. ШАРТНОМА БУЙИЧА КЕЛИШУВ НАРХЛАР.

2.1. «Буюртмачи» томонидан тақдим» қилинган ҳужжатларга асосан таъмирлаш ишларининг қиймати **249715000** (икки юз қирқ тўққиз миллион етти юз ўн беш миңг) сўмни ташкил қилади.

2.2. Таъмирлаш ишларининг бошланиши «30» 09.2022 йил.

2.3. Таъмирлаш ишларининг тугаши вақти «30» 10.2022 йил.

## 3. ТАЪМИРЛАШ ИШЛАРИНИ БОШЛАШ, БАЖАРИШ ВА ТУГАТИШ БУЙИЧА ШАРТНОМАВИЙ МУДДАТЛАР

3.1. Таъмирлаш ишларини бажариш муддати мазкур шартноманинг 2.3. бандида кўрсатилган муддатгача амалга оширилади.

3.2. Шартномадаги 4.1 бандида курсатилган авансни «Пудратчи» олгандан сўнг таъмирлаш ишларини бошлайди. Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2022 йил 16 мартдаги 139-сонли қарорига асосан бюджетдан маблағ олувчиларнинг бюджет маблағлари ҳисобига тузиладиган шартномаларида, қондага кўра, 30 фоиз миқдорда олдиндан ҳақ (аванс) тўлаш назарда тутилган

3.3. «Буюртмачи» томонидан таъмирлаш ишларини бажариш даврида «Пудратчи»га ўзи томонидан харид қилинган қурилиш материалларини тақдим қилиши мумкин.

3.4. Таъмирлашни тўхтаб қолганлиги учун сабабчи бўлган томон бунинг оқибатида келиб чиқадиган ҳар қандай камомад ёки жавобгарликни ўз зиммасига олади.

3.5. Таъмирлашни тугаллаб фойдаланишга топшириш учун тузилган комиссия далолатномаси тасдиқлангандан сўнг таъмирлаш ишлари тамом бўлган деб ҳисобланади.

## 4. ТўЛОВ ШАРТИ ВА ТАРТИБИ

4.1. Ушбу шартноманинг умумий нархи **249 715 000** (икки юз қирқ тўққиз миллион етти юз ўн беш миңг) сўмни ташкил этади. «Буюртмачи» таъмирлаш ишларини бошлаш учун «Пудратчи»га шартнома нархининг 30 % ёки 74914500 сўм миқдорда олдиндан тўлов (аванс)ни тўлайди ва бу олдиндан тўлов 2022 йилнинг сентябрь ойида амалга оширилади. «Буюртмачи» томонидан якуний 70 % ёки 174800500 сўм тўлов «Пудратчи» ишлар бажарилганлигини тасдиқловчи ҳужжат тақдим қилгандан сўнг 60 кун ичида амалга оширилади.

4.2. «Буюртмачи» тўловни пул ўтказиш йули билан амалга оширади.

4.3. «Пудрат» ташкилоти томонидан шартномада кўрсатилган суммадан ошикча бажарилган ишлар учун «Буюртмачи» томонидан тўловлар амалга оширилмайди.

## 5. ПУДРАТЧИНИНГ ХУКУК ВА МАЖБУРИЯТЛАРИ.

5.1. Шартнома баҳоси **249 715 000** сўм бўлган таъмирлаш ишларини шартноманинг 2.3 бандида кўрсатилган муддатда бажариш ва ўз вақтида сифатли қилиб топшириш.

5.2. Пудратчи махсус таъмирлаш ишларини бажариш учун махсус ёлланма пудратчи ташкилотларни жалб қилиш ҳуқуқига эга.

5.3. Ҳар ойнинг 25 санасида ўтган ойда бажарилган қурилиш монтаж ишлари тўғрисидаги тегишли ҳужжатларни «Буюртмачи»га тақдим қилиши шарт.

5.4. Пудратчи шартномада назарда тутилган маблағ доирасида ишларни бажаради ва шунга мувофиқ бажарилган ишлар тўғрисида далолатномани тузади.

5.5. Ойида бир марта ҳар ойнинг 5-кунидан кечиктирмай «Буюртмачи»га ўтган ойда қилинган ишлар учун тўлов счёти (ҳисоб фактура)ни тақдим қилади шунингдек ҳисоб фактура «Буюртмачи» томонидан тасдиқлаб берилгандан сўнг 5 (беш) иш куни муддатда Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2019 йил 25 июндаги 522-сонли қарорига мувофиқ электрон кўринишда ЭХФ операторлари орқали жўнатади;

5.6. Пудратчи Буюртмачидан бажарилган хизмат учун ҳақни шартноманинг 4.1 бандига асосан қилишилган вақтда ва миқдорда тўланишини талаб қилиш ҳуқуқига эга.



## **6. БУЮРТМАЧИНИНГ ХУКУК ВА МАЖБУРИЯТЛАРИ**

6.1 “Буюртмачи” “Пудратчи”дан таъмирлаш ишларини ўз вақтида ҳамда белгиланган стандартларга ва амалдаги қонунчиликка асосан топширишини талаб қилиш ҳуқуқига эга.

6.2 “Буюртмачи” тасдиқланган сметасига мувофиқ бюджетда назарда тутилган маблағ доирасида шартнома тузади ва шартнома суммасига мувофиқ далолатномани «Пудратчи» билан биргаликда тузади.

6.3 «Пудратчи» томонидан шартноманинг 5.5-бандида назарда тутилган муддатларда тақдим қилинган тўлов счёти (хисоб-фактура)ни қабул қилиб олади ва 60 кун ичида қилинган ишлар учун тўловни амалга оширади.

6.4. Сифатсиз хизмат курсатилганда “Буюртмачи” хизматни қабул қилиб олишдан воз кечиши ва камчиликларни бартараф қилиш тўғрисида 3 кун ичида пудратчини ёзма равишта хабардор қилади.

## **7. ТАРАФЛАРНИНГ ЖАВОБГАРЛИГИ.**

7.1. «Пудратчи» «Буюртмачи» томонидан тақдим қилинган лойиха смета ҳужжатларига асосан қурилишни ўз вақтида лозим даражада бажармаганда ёки сифатсиз қилинганлиги учун ҳар бир кечиктирилган кун учун ушбу ишлар бажарилмаган қисмининг суммасидан 0,4% миқдорида, бироқ бажарилмаган ишлар суммасининг 50 % идан ортиқ бўлмаган миқдорда пеня тулайди. Пеняни тўлаш шартнома мажбуриятларини бузган тарафни товарларни етказиб бериш муддатларини кечиктириб юбориш, тўлик етказиб бермаслик, ишларни бажармаслик ёки хизматларни кўрсатмаслик оқибатида етказилган зарарни қоплашдан озод этмайди.

7.2. Агар бажарилган ишлар сифати бўйича стандартлар, техник шартлар, намуналарга (эталонларга) қонунчиликда ёки ҳўжалик шартномасида белгиланган бошқа мажбурий шартларга мос келмаса, буюртмачи ишларни қабул қилиш ҳамда уларнинг ҳақини тўлашни рад этиб, пудратчидан сифати лозим даражада бўлмаган ишлар қийматининг 20 фоизи миқдорида жарима ундириб олишга, агар ишлар ҳақи тўлаб қўйилган бўлса, тўланган суммани белгиланган тартибда қайтаришни талаб қилишга ҳақлидир. Сифати лозим даражада бўлмаган ишлар учун жарима пудратчидан ақцептсиз тартибда ундириб олинади.

7.3. «Буюртмачи» «пудратчи» томонидан бажарилган ишлар учун тўлов счёти (хисоб фактура) тақдим қилингандан сўнг молиялаштириш шартномада белгиланган вақтда амалга оширилмаса кечиктирилган кун учун тўлов счёти (хисоб фактура) суммасининг 0,4 % миқдорида, бироқ тўлов счёти (хисоб фактура) суммасининг 50% идан ортиқ бўлмаган миқдорда пеня тўлайди, бунда Буюртмачига боғлиқ бўлмаган ҳолатлар бундан мустасно.

## **8. КОРРУПЦИЯГА ҚАРШИ КУРАШИШ ШАРТЛАРИ.**

8.1 Тарафлар шартнома бўйича ўз мажбуриятларини бажараётганда Ўзбекистон Республикасининг коррупцияга қарши курашиш тўғрисидаги қонун ҳужжатларининг талабларига зид келадиган ҳар қандай ҳаракатларни амалга оширмайдилар, шу жумладан, пора беришни таклиф қилмайди, ваъда бермайди, товламачилик қилмайди, пора сифатида пул тўламайди, бевосита ёки билвосита пора олишга розилик бермайди ёки пора, яъни тарафлардан бири ўз хизмат мажбуриятларидан фойдаланган ҳолда пора берган шахснинг манфаатларини кўзлаб муайян ҳаракатларни содир этиши ёки содир этмаслиги шартлиги ёки мумкинлиги учун моддий қимматликларни ёки мулкий наф олмайди. Тарафлар ушбу ҳаракатларга йўл қўймаслик бўйича чоралар кўрилишига қафолат беради.

8.2 Агар шартнома бўйича бир тараф бошқа тарафнинг ахлоққа тўғри келмайдиган ва ушбу шартнома ёки Ўзбекистон Республикаси қонунчилигига зид келадиган ҳатти-ҳаракатларига, шу жумладан, коррупцияга оид ҳуқуқбузарликлар содир этишга мажбурлашдан иборат бўлган фактларга дуч келса, бу ҳақда қуйидаги алоқа каналларидан бири орқали хабардор қилиш керак: “1008” ишонч телефони, телеграм-канал “@anticorbot” орқали, ёки ҳудудий прокуратура органларига билдириш лозим.

## **9. ФОРС-МАЖОР ҲОЛАТЛАРИ.**

9.1 Тарафлар ихтиёрига боғлиқ бўлмаган, уларни олдиндан билиш ёки олдини олиш имкониёти бўлмаган ҳолатлар (енгиб бўлмас куч) оқибатида мажбуриятларни бажармаганлик ёки етарли даражада бажармаганлик учун тарафлардан бирортаси иккинчи тараф олдида жавобгар эмасдир. Бундай ҳолатлар жумласига эпидемиялар, табиий офатлар, ҳарбий ҳаракатлар қиради.

9.2 Ваколатли орган томонидан берилган гувоҳнома енгиб бўлмас куч мавжудлиги ва амал қилишининг давомийлигини тасдиқлаш учун етарли ҳужжатдир.

9.3 Ўз мажбуриятларини бажара олмаётган тараф енгиб бўлмас кучнинг мавжудлиги ва унинг шартнома бўйича мажбуриятларини бажаришига таъсири ҳақида иккинчи тарафга хабарнома бериши лозим. Агар енгиб бўлмас куч ҳолатлари узлуксиз 15 кун давомида амал қилиб турса ва яқин муддат ичида бекор қилиниши эҳтимоли бўлмаса, мазкур шартнома тарафлардан бирининг ташаббуси билан иккинчи тарафга ёзма билдиришнома юбориш йўли билан бекор қилиниши мумкин.

## **10. КЕЛИШМОВЧИЛИКЛАРНИ ХАЛ ҚИЛИШ ТАРТИБИ.**

10.1 Ушбу шартномани тузиш, бажариш, ўзгартириш ва бекор қилиш билан боғлиқ, томонлар ўртасида келиб чиқадиган, шунингдек, етказилган зарарни қоплаш тўғрисидаги низолар тарафларнинг ўзаро келишуви ёхуд қонун ҳужжатларида белгиланган тартибда суд орқали ҳал этилади.

## 11. ШАРТНОМАНИНГ АМАЛ КИЛИШ МУДДАТИ.

11.1. 2014 йил 1 январдан амалга киритилган Ўзбекистон Республикаси Бюджет кодексининг 122-моддаси ҳамда ЎзР Молия Вазирлигининг 2016 йил 22 ноябрдаги 88-сон буйруғи билан тасдиқланган “Бюджет тизими бюджетларининг газна ижроси Қондалари”( Адлия вазирлигида 2016 йил 22 декабрда 2850-сон билан рўйхатдан ўтказилди)га асосан шартнома тегишли тартибда газначилик бўлими рўйхатидан ўтказилгандан сўнг қонуний кучга киради ҳамда 31.12.2022 йилгача амалда булади.

11.2. Шартнома икки нусхадан тузилган булиб ҳар бири бир хил кучга эга ҳисобланади ва тарафларга бир нусхадан сакланади.

## 12. ТОМОНЛАРНИНГ ЮРИДИК МАНЗИЛЛАРИ ВА БАНК РЕКВИЗИТЛАРИ:

«Пудратчи»

Курилиш Пардоз хизмати х.к  
(ижрочининг номи)

Манзил: Ромитан ш. Нурафшон куч

тел\факс. +(998)65-552-25-80

х\р. 2020800000951248001

Банк номи: Миллий банк Ромитан тум

МФО 00943 ИНН 305 908 099

ОКЭД

“Буюртмачи”

Ромитан туман СЭО ва ЖСБ

(бюджет маблағларини олувчи номи)

Манзили: Ромитан тумани Бухоро кўчаси 4-уй  
Тел./факс: 55-2-18-04

ш\хв: 10002286006242707410054001

ОКОНХ: 92310 ИНН: 200 978 423

Газначилик бўлинмаси номи: Ромитан туман  
Газначилик бўлинмаси  
ЯГХ: 23402000300100001010

Банк номи: Марказий банкнинг Тошкент шаҳар Бош  
бошқармаси Ҳисоб-китоб-касса маркази (ХККМ)

МФО 00014

Газначилик бўлинмаси СТИРи 201122919

Рахбар: Б.Кахҳоров  
(Ф.И.Ш.)

М.у

ИМЗО

Шарнома амалдаги қонунчилик асосида тугри тузилган

ҲУҚУҚШУНОС:

(бюджетдан маблағ олувчи ташкилотнинг  
ҳуқуқшуноси)



## YURIDIK AHAMIYATGA EGA HUJJATLARNING QONUN HUJJATLARIGA MUVOFIQLIGI TO'G'RISIDA HUQUQIY XULOSA

1. **Loyihaning turi** – pudrat shartnomasi.

2. **Loyihaning nomi** – “Qurilish pardoz xizmati” xususiy korxonasi va Romitan tuman Sanitariya-epidemiologiya osoyishtaligi va jamoat salomatligi bo'limi o'rtasida (Romitan tuman Sanitariya-epidemiologiya osoyishtaligi va jamoat salomatligi bo'limi binosini joriy ta'mirlash) 2022-yil 30-sentabr kunidagi 46394-raqamli (Lot №22110012153411 ) 249 715 000 (ikki yuz qirq to'qqiz million yetti yuz o'n besh ming) so'mlik pudrat shartnomasi.

3. **Loyiha ishlab chiquvchisi va kiritilgan sana haqidagi ma'lumot:** Mazkur 46394-raqamli pudrat shartnomasi 2022-yil 30-sentabrda Romitan tuman Sanitariya-epidemiologiya osoyishtaligi va jamoat salomatligi bo'limi tomonidan ishlab chiqilgan.

4. Mazkur loyiha Romitan tuman Sanitariya-epidemiologiya osoyishtaligi va jamoat salomatligi bo'limi tomonidan 2022-yil 30-sentabrda dasturga kiritilgan.

Loyiha amaldagi qonun hujjatlariga muvofiq ishlab chiqilgan va uni qabul qilish maqsadga muvofiq.

Tayyorladi:

**Romitan tuman yuridik xizmat  
ko'rsatish markazi boshlig'i:**



**F.Kenjayev**

30.09.2022 y.